

## ТАЛАБАЛАРНИ КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ УҚУВ ЖАРАЙОНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Турсунов Олимбой уғли  
ТДИУ 3-босқич талабаси

**Аннотация:** Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида талабалар билимини баҳолаш ва унга қушимчалар киритиш жараёнининг амалга оширилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти ҳақидаги фикр ва мулохазалар баён этиб утилган

**Таянч сўз ва тушунчалар:** кредит, кредит-модуль тизими, кредит-соат, кундалик-йўл харита, мустақил таълим, мустақил иш

Маълумки, билим ва илмнинг шаклланиши бевосита таълим тизимига бориб тақалади. Таълим тизими самарадорлигини ўқитувчи савияси, талаба эҳтиёжи, ўқув адабиётлари мазмуни ҳамда мустақил таълимни шакллантиришга қаратилган инфратузилма бевосита таъминлаб беради. Демак, илғор кадрларни тайёрлаш, уларни меҳнат бозори талабларига мувофиқ рақобатдошлигини ошириш, ижодий фикрлайдиган мутахассисларни етиштириш ўқув даргоҳларида йўлга қўйилган таълим бериш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори асосида ўқув жараёнларига кредит-модуль тизими жорий этилди. Мазкур қарор асосида Республиканинг барча давлат олий таълим муассасалари кредит-модуль тизими асосида ўқув жараёнини ташкил этиб келмоқда.

Барчамизга маълумки, кредит-модуль тизимида талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда инновацион ёндашув асосида талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш механизмлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Талабанинг мустақил таълим юкламаси ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми бўлиб, аудитория ва аудиториядан ташқарида (ўқув юкламасида ажратилган аудитория соатини инобатга олмаган ҳолда) бевосита ўқитувчи раҳбарлигида мустақил иш ёки талабанинг фан (модуль) бўйича мавзуларни мустақил ўқиб-ўрганиши тарзида амалга оширадиган ўқув ишлари мажмуини англатади. *Мустақил таълим* – ўқув материални мустақил ўзлаштириш, мураккаблик даражаси турлича бўлган топшириқлар, амалий вазифаларни

аудитория ҳамда аудиториядан ташқарида ижодий ва мустақил бажариш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тизимли фаолиятдир. *Мустақил иш* – ўқитувчининг топшириғи ва раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабанинг мустақил ишлари унинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка ҳамда барча вазифаларни ўз вақтида ва мукамал тарзда бажаришга асосланган фаолиятидир.

Хорижий тажрибага кўра, кредит-модуль тизимида ўқув жараёни ҳар семестрда 2 — 4 тагача модулдан иборат бўлади. Модулда жамланган фанлар осондан мураккаблик сари, назарий-услубий фанлардан амалий фанларга қараб ҳамда мантиқий жиҳатдан бир-бирини ўзаро узвий тўлдириш принципи асосида шакллантирилади. Талаба мутахассис бўлиб шаклланиши учун нафақат ахборотлар, балки уларни қайта ишлаш, амалиётга жорий қила олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади. Модуль асосида ўқитиш тизимида талабалар билими, малакаси ҳамда кўникмасини баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқарида олган, ўзлаштирган билимлари балл бериш орқали баҳоланади.

Кредит (credit) — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиб ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкмасининг (вақтининг) ўлчов бирлигидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, одатда бир ҳафта давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажариб, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади.

Ҳар бир талаба келажакда танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қилиб бораверади. Иқтисодий тилда айтганда, тўпланган кредит талабанинг академик “активи”га айланиб боради. Кредит технологияси таълим олувчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини беради. Уларга, нафақат фанларни, балки профессор-ўқитувчиларни ҳам танлаш эркинлиги берилади. Талабаларга фанларни танлаш имкониятининг берилиши ижобий ҳол саналади. Бу ўқув жараёнларини баҳолашнинг ўзига хос қиймат кўрсаткичи бўлиб ҳам ҳисобланади. Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил

хисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон мустақил ҳаракат қилади. Энг катта урғу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда-маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш натижасида фан (модуль) бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш, амалий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив, креатив, ҳамкорликда ишлаш компетенциялари ўшакллантирилади. Шунингдек, талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион

фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи компетенцияларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ўқув фаолиятини амалга оширилади, билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг мақбул йўларини излаб топишга қобилиятли креатив шахс тарбияланади, талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивация пайдо

бўлади, таълим олувчиларда билим олишга доир масъулияти янада ошади, талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларни ривожлантириш имкони пайдо бўлади, таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобилиятлиликни шакллантириш учун шароит

яратилади. Бу эса, ўз навбатида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун хизмат қилади.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим

муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом". Тошкент, 2020 йил.

3. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.

4. Рослякова Е.М., Бисерова А.Г., Хасенова К.Х., Байболатова Л.М. Модульная система обучения-опыт и перспективы.

5. Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

